

Баъзан хикоя учун манба килиб олинган бирор ижтимоий ходиса тасвиридан катта умумлашмалар чиқариш, муайян давр хаёт тарзини кенг микёсда гавдалантириш имконияти тугилади.

Ўзбек мумтоз адабиётида «хикоя» ва «хикоят» деб аталган асарлар анча кўп бўлган. Улар ҳам насрда, ҳам назмда ёзилиб, кўпинча йирик асарлар ичида йўл-йўлакай бериб ўтилган. Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин», баъзилар айтганидек, Машрабнинг «Мабдаи нур» асарларида юздан ортик шеърий хикоятлар бор. Алишер Навоийнинг «Хамса»сида уларнинг кўплаб намуналарини учратиш мумкин. Хожанинг «Мифтох ул-адл» ва «Гулзор» асарлари эса асосан, насрда ёзилган хикоялардан иборат. У хикоялар ўз ичига кичик-кичик, кизик-кизик воқеаларни камраб олган бўлиб, асос эътибори билан дидактик тарздаги асарлардир. Ўзбек адабиётида реалистик хикоя жанри XX аср бошларида Абдулла Кодирийнинг ижоди билан бошланади. Унинг «Улоқда» номли асари хикоянинг дастлабки намуна-ларидан ҳисобланади. Ундан кейин ўзбек хикоянавислиги катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Унинг та-раққиётига Абдулла Қодирий, Абдулла Қаххор, Гафур Гулом, Сайд Аҳмад ва Шукур Холмирзаев сингари ёзувчилар салмоқди ҳисса кўшдилар.

Бадий адабиётда хикоя эпик жанри ривожланиб келди. Хикоя кўпинча муайян ижтимоий шароит учун хос бўлган битта, баъзан бир нечта кичик воқеани акс эттирувчи, характерни кўпинча тайёр холда кўрсатувчи жанр ҳисобланади. Шунга кўра, хикоя хажми чоғроқ ва иштироқ этувчи шахслари камроқ бўлади. Бунга икром бўлмоқ учун Боккаччо, Мопассан, Чехов ва Абдулла Қаххор хикояларини эслаш кифоя.

Хикоя — эпоснинг кичик жанри, повесть ва романлар катта жанрларидир.

Сайд Аҳмад хикоячиликда устози Абдулла Қаххордан кейин туради, дейилади.

«Турналар» унинг энг яхши хикояларидан бири. Унинг марказида Собиржон чол образи туради. Унинг икки ўғли бўлган, Шамсиддиннинг бир кўзи ёшлигида тўйдаги мушакбозликдан кўр бўлган, улгайгач, меҳнат фронтида ерга санчилиб қолган тўп ўқини зарарсизлантираман, деб ҳалок бўлган; Фазлиддини фронтда денгизга чўкиб ўлган. Оқибатда чол ёлғиз қолади. Унинг ховлисига Раиса бошка бир одамни кўчириб келтиради, чолга хамроҳ, деб ўйлайди. Хикояда ҳамма нарса мантиқан асосланган. Чол етим Андрюшани боқиб олади, аммо у ҳам охир опа-сини топиб, уникига кетиб қолади. Бир турна яраланиб, чолнинг қапасига тушади, ле-кин у ҳам тузалгач, учиб кетади. Чол қовун экади ва қапа килиб, кўчиб чиқади. Хатто ит сакдамайди, қападаги турнани гажиб кўяди, деб ўйлайди.

Хикояда икки киши ҳаракат қилади, бири чол бўлса, бошқаси — муаллиф, юқорида зикр этилган воқеалар чолнинг хикоясидан аёнлашади. Чол гоҳ «хай, майли, дунёнинг ишлари шунақа экан», дейди, гоҳ йиглайди, гоҳ ўзига Худодан ўлим тилайди. Чол кўп нарсани йўкотади, бироқ ўз инсонийлигини омон саклаб қолади, калбида оғир ва аччиқ хотиралар билан яшайди. Тузук кўйиб, беданаларни тутаяди, лекин сўйиб емайди, бедана сайратилади. Чол раҳмдил, ақлли, айни холда, ҳиссиётли киши, бегуноҳ, бироқ бориға шукур килиб яшайди, бардошли.

Хаёт қонунлари биздан ташқарида яшайди, ирода-мизга бўйсунмайди, у бешафқат, стихиялидай кўринади, гуноҳкорларни ҳам, гуноҳсизларни ҳам жазолайверади. Бу

жихатдан уни тушуниб бўлмайди. Унда тасодиф кўп.

Хикояда чолнинг рухиятигина эмас, балки му-аллифнинг ўз рухияти ҳам очилади. Турналарнинг учиб ўтиб туриши бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни муаллифга эслатиб туради. У факат воқеани хикоя қилибгина қолмай, воқеага ўз муносабатини ҳам билдиради, унга фаол аралашади, уни тўлдиради, бойитади. Воқеа тасвири ва унга бундай муомала муаллифнинг қимлигини ҳам англатиб туради. «Ўша майиб турна чолнинг кўлида шифо топиб, яна ўз қарвонига қўшилганини би-лармикин? Хар қўқлам ўша чайла устидан ўтаётганда, бобосини эслаб қўярмикин? Эсласа керак дейман! Мен унинг шу чайла устидан чиройли бинафша қокилларини қилқиб, бобога таъзим қилиб ўтишини жуда-жуда истардим».

Саид Ахмад хикоя реализмини теранлаштириш учун деталларга зўр беради: «Қарвон ярим доира ясаб, унга пешвоз қикқди». Қарвон тўзиб кетади. Сўнг «сафи тузилди». Турналар қарвони согайган турнани шундай қабул қилади. Турналар хавада аргимчок солиб учади. Бу деталлар ёркин тасвири кўз ўнгимизда гавдалантиради. Муаллиф келгач, чол қумгонни ўтга қўяди, қум-гондаги қайноқ сувда чапиштириб, қовун ширасини кетгизиш учун, муаллифнинг қулига қуяди. Муаллиф қовун еганда бармоқдари бир-бирига ёпишиб қолади. Қовуннинг «хақини тўлайман», деган муаллифга чолнинг энсаси қотади. Чол дейди: «Пайқал бошидан қовун узиб сотган дехқон ноқас дехқон бўлади, болам... Бу ерда қовун текин... Яхқиси ўзингиз узинг, ха, бунинг гашти бошқача бўлади». Яна чол шундай дейди: «Шахар боласилигингиз шатта қилиниб қолди-да?! Қовун деганда пайқалнинг кесагига ёриб емаган одам қовун едим демаса ҳам бўлади. Чол қула-қула қинидан пичогини сугуриб менга узатди». Чол «дастурхон» ёзди. Булар ҳаммаси маҳаллий қолоритни аниқ қўрсатади, тасвири қуюқдаштиради. Воқеага бизни ишонтиради. Биз буни мана бу деталларда янада яққолроқ қўрамит: Қайлага бегона одам келганда, турна ётсирайди, сесқаниб, қайла орқасига ўтиб кетади. Ёзувчи оддий қиши қўрмаган нарқаларни ҳам илқайди: чол қўрпача ёзиб, мени юқорига таклиф қилди. Бу — миллий рух. Чол тузоққа илинган беданаларни халтага солиб, олиб келади. Бунда ёзувчининг синқковлиги иш беради. Хикоя тил жихатдан хайрон қоларли даражада қило бериб ишланган. Мана бу муқолагада ёзувчининг бадийий тўқимаси очик қўринади: «Худди магазинда қит йиртаётгандек тартар қилиб, ананаслар ёрилар, уруги кесақлар устига шитирлаб соқилиб кетарди». Бу, Аристотель айтган, бўлиши мумкин воқеадир ва у адабиётда яшашга хақли.

Сайд Ахмад хикоя тилини ишлашда бу сафар Абдулла Қахқордан қолишмайди: болалар жавдираб қарашади. У «одатда, қолиз қоровулларининг ити бўлгувчи эди». Хикоя воқеаси Қойтуг томонида содир бўлади. Андижонликлар «бўлгувчи эди» жумласини ишлатиши рост. «Қизгити» дейиши мумкин эди, лекин Саид Ахмад «Қўқимтир» деган сўздан гула (нусха) қўтариб, «қизгити» деган янги сўзни ясайди ва у тушунарлидир. Чол фарзанд қўрмагандек яна сўққабош бўлиб қолди. Бундай пайтда, факат «сўққабош» сўзини ишлатиш мумкин эди. Чол муаллифдан сўрайди: «Хўш, болам, қайси шамол учирди? Ўзлари қим бўладилар? Улуғларимиздан бўладиларми?» Бу ўринда «қандай шамол учирди» дан бошқача сўзлаш мумкин эмас. «Чол қумгонни ариққа ботириб, ерўчокка қўйди» («ўчокка қўйди» деса ҳам бўларди). «У тиззасида қарсиллатиб, шох синдираб экан, орқамдан қикқирди». Бу, ажойиб тасвир. Хўрозгина эмас, балки одам ҳам қикқиритиши мумкин (одам бақирса, қикқиргани бўлади).

Чол муаллифга кандай ковунни узиш тўғрисида шундай маслахат беради: «Шудринг тегиб таре ёрилганини узинг, ана ўшанисида гап кўп».

Хикоя воқеаси муаллиф нутки ва чол хикояси оркали аён бўлади.

Сюжет (воқеа) асосида хаёт мушкулликлари билан инсоннинг иродаси, эзгуликка интилишининг сўнмаслиги хақидаги зиддият туради. Хикоя бизга яхшилик, саховатпешалик, сабр ва ирода ҳамда инсонийлик хис-туйғуси ва гоёсини юктиради.